

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2022 йил ноябрь ойининг 09 куни жиноят ишлари бўйича Пахтакор туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи туман судининг раиси Ш.Содиқов, судья ёрдамчиси Н.Мухторовнинг котиблигида, тарафлардан Пахтакор туман прокурори ёрдамчиси А.Хамидов, судланувчи Ж.Анарбоев, қонуний вакил Ж.Холмуминов, жабрланувчилар вояга етмаган Ф.Қахраманов, К.Кудратов ва Э.Аманкельдиев ҳамда уларнинг қонуний вакиллари Х.Нишонов ва Н.Мирзамахмедова, фуқаровий даъвогарлар А.Холматов ва А.Джумабоевнинг қатнашувида Анарбоев Жавлонбек Бахтиёр ўғлига оид 1-1311-2201/64-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Анарбоев Жавлонбек Бахтиёр ўғли (Anarboev Javlonbek Baxtiyor o'g'li), 2000 йил 14 февралда Пахтакор туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти тугалланмаган олий, бўйдоқ, Қирғизистон Республикаси Ўш давлат педагогика университети 3-босқич талабаси, муқаддам судланмаган, Пахтакор тумани, Буюк ипак йўли МФЙ, Муқумий кўчаси, 186/2-уйда яшайди, унга нисбатан «гаров» эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2022 йил 31 октябрда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан айбланган.

Суд иш ҳолатлари билан танишиб, судланувчи, қонуний вакил, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб ҳамда тарафларнинг фикрини тинглаб, ишда тўпланган бошқа далилларни суд терговидида таҳлил қилиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Ж.Анарбоев, 2022 йил 19 сентябрь куни соат 20:30да Пахтакор тумани ҳудудидан ўтган “Тошкент-Термиз” М-39 автомобил йўлининг 956 км.да бошқарувидаги “СОВАЛТ” русумли, 60S 067 ТА давлат белгили автомашинани тегишли ҳужжатлар билан Термиз йўналиши бўйлаб бошқариб бориб, амалдаги «Йўл ҳаракати қоидалари»нинг 77-банди 3-қисмидаги «ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиш имкониятидаги хавф юзага келса, транспорт воситасининг у тўла тўхташини таъминлайдиган даражада камайтириши ёки у тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриш керак.» - деб кўрсатилган қоида талабларни бузиб, йўналиши бўйича ўзидан олдинда ҳаракатланиб кетаётган А.Хўжамуродов бошқарувидаги “ТТЗ-80” русумли, 25СА 015 давлат белгили тракторга тақилган тиркаманинг орқа томонга тўқнашиб, йўл улов ҳодисаси содир



этиб, бошқарувидаги “COBALT” русумли, 60S 067 ТА давлат белгили автомашинада бўлган йўловчи вояга етмаган 2006 йилда туғилган Ж.Холмуминовнинг ўлимига, вояга етмаган Ф.Қахрамановнинг ҳаёти учун ҳавфли бўлган оғир, вояга етмаган К.Кудратов ва Э.Аманкельдиевларнинг энгил тан жароҳати олишларига сабабчи бўлган.

Судга оид тиббий экспертизанинг 30.09.2022 йилдаги №190-сонли хулосасига кўра, марҳум вояга етмаган Ж.Холмуминовнинг жароҳатлари «ҳаёт учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати»-деб баҳоланганлиги ва айнан ушбу тан жароҳатлари унинг ўлимига сабаб бўлганлиги;

мазкур экспертизанинг 21.10.2022 йилдаги №584-сонли хулосасига кўра, вояга етмаган Ф.Қахрамановнинг танасидаги тан жароҳатлари оғирлик даражаси бўйича «ҳаёт учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати»-деб;

мазкур экспертизанинг 18.10.2022 йилдаги №570-сонли хулосасига кўра, вояга етмаган Э.Аманкельдиевнинг танасидаги тан жароҳатлари оғирлик даражаси бўйича «ҳаёт учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати»-деб;

мазкур экспертизанинг 17.10.2022 йилдаги №571-сонли хулосасига кўра, вояга етмаган К.Кудратовнинг танасидаги тан жароҳатлар оғирлик даражаси бўйича «ҳаёт учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати»-деб кўрсатилган.

Судга оид транспорт-трассалогия ва автотехника экспертизасининг 14.10.2021 йилдаги №726-сонли хулосасида, “қарорда келтирилган тўқнашувнинг дастлабки вақтида, ТТЗ 80 русумли, 25 СА 015 давлат белгили трактор тиркамасининг рамасининг орқа қисмига, “COBALT” русумли, 60S 067 ТА давлат белгили автомашинанинг капот қисми теккан бўлиб, бу вақтда уларнинг бўйлама ўқлари орасидаги бурчак 0+_5 даража атрофида бўлган деб айтиш мумкинлиги, қарорда келтирилган шароитдаги тўқнашув, воқеа жойини кўздан кечириш баённомасига илова қилинган чизмадаги, қатнов қисмининг Термиз йўналиши бўйича ўнг четидаги жойлашган кўзғалмас нуқтадан 23,4х9,3 метр, қатнов қисмининг чап четидан 1,55 метр ва биринчи ҳамда иккинчи бўлақларни ажратиб турувчи чизиқдан 0,95 метр масофада доира шаклида белгиланган жойида тўқнашув натижасида транспорт воситаларидан эҳтиёт қисмлари, ойна синиқлари майда бўлақлари ва тупроқ қолдиқлари тушган жойда, қатнов қисмининг Термиз йўналиши бўйича ҳаракат йўналишларини иккига ажратиб турувчи бетон тўсиққа нисбатан биринчи ҳаракат бўлагида содир бўлган деб айтиш мумкин”-деб кўрсатилган.

Судда судланувчи тариқасида сўроқ қилинган Ж.Анарбоев айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, Кобальт русумли, 60S 067 ТА давлат белгили автомашинани нақд пулга салондан сотиб олиб, амакиси А.Холматов номига расмийлаштирганликларини, ҳайдовчилик гувоҳномаси борлиги учун ушбу автомашинани бошқариб туришини, 2022 йил 19 сентябрь куни маҳалладоши Ж.Холмуминов телефон қилиб, жўралари билан бирга Жиззах шаҳрига ўртоғининг туғилган кунига бораётганлигини, Кобальт



русумли, 60S 067 TA давлат белгили автомашинада Жиззах шаҳрига уларни ташлаб келишини сўраганини, 2022 йил 19 сентябрь куни соат 20:00да Буюк ипак йўли МФЙда Ж.Холмуминов ва унинг жўралари Ф.Қахраманов, Э.Амангельдиев ва К.Кудратовни олиб бирга Жиззах шаҳрига қараб йўлга чиққанликларини, автомашина олд йўловчи ўриндиғида Ф.Қахраманов ўтирганини, қолганлар орқа ўриндиқда бўлганини, автомашинада Пахтакор тумани ҳудудидан ўтган Тошкент-Термиз М-39 йўлида Термиз йўналиши бўйлаб, 70-80 км/соат тезликда ҳаракатланиб кетаётганида ундан олд томонда шу йўналишда катта юк автомашинаси ҳаракатланаётган бўлганини, ушбу автомашинадан ўтиб кетиш учун автомашинани биринчи даражали йўл бўлагига шу тезликда бошқарганида ундан 15-20 метр узоқликда тракторга уланган тиркамани кўриб қолганини, ушбу тиркамага урилмаслик учун дархол тормозни босганини, лекин улгура олмасдан тиркаманинг орқа томонга бориб урилиб, йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганини, ҳушидан кетганини, касалхонада ўзига келганини, кейин автомашинада бўлган йўловчи Ж.Холмуминов вафот этганини, Ф.Қахраманов, Э.Амангельдиев ва К.Кудратов турли тан жароҳати олганлигини билганини, ЙТХ содир бўлишидан олдин автомашинаси техник жихатдан соз холатдалигини, марҳум Ж.Холмуминовнинг оила аъзоларидан ва тан жароҳати олган жабрланувчилардан кечирим сўраганлигини, айбига чин кўнгилдан пушаймонлигини, қонуний енгиллик берилишини сўрашини баён этди.

Судланувчи Ж.Анарбоевнинг жиноий ҳаракати ўзининг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, судда сўралган қонуний вакил Ж.Холмуминовнинг марҳум вояга етмаган Холмуминов Жавлон Анвар ўғли укаси бўлишини, 2022 йил 19 сентябрь куни укаси Ж.Холмуминов оила аъзоларига синфдошининг туғилган кунини нишонлаш учун Жиззах шаҳрига бориб келишини айтиб чиқиб кетганини, кейин шу куни соат 20:30да Пахтакор тумани ҳудудидан ўтган Тошкент-Термиз М-39 йўлининг 956 км.да, судланувчи Ж.Анарбоев бошқарувидаги Кобальт русумли, 60S 067 TA давлат белгили автомашинада йўл транспорт ҳодисасига учраб вафот этганини билганини, кейин укасини мурдасини экспертизадан ўтказиб дафн қилиб, маракаларини ўтказганларини, судланувчи Ж.Анарбоев ва унинг оила аъзолари умуман хабар олмаганини, дафн маросимлари учун сарфланган ҳаражатларни ундиришдан воз кечишини, лекин судланувчига нисбатан қонуний чора кўрилишини сўрашини баён қилган кўрсатуви билан;

Судда сўралган жабрланувчи вояга етмаган Ф.Қахрамановнинг 2022 йил 19 сентябрь куни синфдошлари Ж.Холмуминов, Э.Амангельдиев ва К.Кудратов билан биргаликда туғилган кунни нишонлаш мақсадида Жиззах шаҳрига бориш учун Ж.Анарбоевнинг бошқарувидаги “Кобальт” русумли, 60S 067 TA давлат белгили автомашинада йўлга чиққанларини, автомашинанинг олд йўловчи ўриндиғида ўтирганини, Ж.Холмуминов, Э.Амангельдиев ва К.Кудратовлар автомашинанинг орқа йўловчи ўриндиғида бўлганини, автомашинада Пахтакор туманидан ўтган



“Тошкент-Термиз” М-39 йўлида Термиз йўналиши бўйлаб ҳаракатланаётганларида автомашина нимагадур урилганида хушини йўқотганини, ўзига келганида касалхонада оғир жароҳат олиб ётганини, Ж.Холмўминовнинг вафот этганлигини билганини, соғлиги яхшилигини, судланувчига нисбатан даъвоси йўқлигини, унга қонуний енгиллик берилишини сўрашини баён қилган кўрсатуви билан;

Судда сўралган вояга етмаган жабрланувчилар К.Кудратов ва Э.Аманкельдиевнинг жабрланувчи вояга етмаган Ф.Қаҳрамановнинг кўрсатувларини тасдиқлаб шу мазмунда берган кўрсатуви билан;

Судда сўралган фуқаровий даъвогар А.Холматовнинг ҳақиқатда ҳам “Кобальт” русумли, 60S 067 ТА давлат белгили автомашина уни номига расмийлаштирилганлигини, 19.09.2022 йилда Пахтакор тумани ҳудудидан ўтган Тошкент-Термиз М-39 йўлининг 956 км.да, жияни Ж.Анарбоев томонидан уни номидаги Кобальт русумли автомашинада содир бўлган йўл-транспорт ходисаси натижасида автомашинага шикаст етказилганини билганини, “Кобальт” русумли, 60S 067 ТА давлат белгили автомашинага етказилган зарар бўйича судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини баён қилган кўрсатуви билан;

Судда сўралган фуқаровий даъвогар А.Джумабоевнинг ҳақиқатда “ТТЗ 80” русумли, 25 СА 015 давлат белгили трактор ва унга тақилган тиркама фермер хўжалигига тегишлилигини, 19.09.2022 йилда Пахтакор тумани ҳудудидан ўтган Тошкент-Термиз М-39 йўлининг 956 км.да, судланувчи Ж.Анарбоев томонидан бошқарувидаги “Кобальт” русумли автомашинада фермер хўжалигига тегишли тиркамага урилиб, содир бўлган йўл-транспорт ходисаси натижасида ТТЗ 80 русумли, 25 СА 015 давлат белгили тракторга тақилган тиркамага етказилган зарар бўйича судланувчига даъвоси йўқлигини баён қилган кўрсатуви билан;

Судда сўралган гувоҳ А.Хужамуродовнинг 2016 йилдан буён ҳайдовчилик билан шуғулланиб келишини, А.Жумабоевга қарашли “Сухроббек-Элбек” фермер хўжалигига тегишли бўлган ТТЗ 08 русумли, 25СА 015 давлат белгили трактор автомашинасини ҳайдаб, фермер хўжалигига қарашли пахта дала майдонларида пахталарни пахта пунктга олиб бориш билан шуғулланишини, 19.09.2022 йилда фермер хўжалиги дала майдонида терилган пахталарни ТТЗ 08 русумли, 25 СА 015 давлат белгили тракторга уланган 3 та тиркамага юклаб, соат 19:30да даладан йўлга чиққанини, Пахтакор тумани ҳудудидан ўтган “Тошкент-Термиз М-39” йўлининг Термиз йўналиши бўйлаб, қарама-қарши йўлни ажратиб турувчи оқ бардюрага нисбатан биринчи даражали йўл бўлагидан ортга Тошкент йўналишига қайрилиб олиш учун қайрилиб олиш жойига етмасдан 100 метр масофада соатига 20 км/соат тезликда ҳаракатланиб кетаётганида трактори силтаниб, қарсиллаган овоз эшитилганини, тракторни тўхтатиб, тиркаманинг орқа томонига ўтганида Кобальт русумли автомашина урилиб, шикастлангани, йўловчилар тан жароҳати олганлигини кўрганини, йўловчиларни касалхонага юборганликларини, ходиса содир бўлишидан аввал бошқарувидаги тракторни 20 км/соат



тезликда бошқариб, тракторга уланган учинчи тиркаманинг ва бошқа тиркамаларнинг орқа томонида нур қайтарувчи белгилар ўрнатилган бўлганини баён қилган кўрсатуви билан;

Судда сўралган гувоҳ Х.Абдуазизовнинг гувоҳ А.Хужамуродовнинг кўрсатувларини тадқиқлаб шу мазмунда берган кўрсатуви билан;

Жиноят ишидаги воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган чизма ҳамда фотосуратлар, транспорт воситасининг техник ҳолатини кўздан кечириш ва текшириш бўйича тузилган баённомалар ва маълумотномалар, сўроқ баённомалари ҳамда ишда тўпланган ва судда текширилган бошқа объектив далиллар билан тўлиқ ўз исботини топган деб ҳисоблайди.

Суд, тергов органи томонидан судланувчи Ж.Анарбоевнинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2015 йил 26 июндаги “Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги 10-сонли Қарорининг 14-бандида «ҳайдовчидан йўл-транспорт ҳодисасининг олдини олиш учун техник имконият бор-йўқлиги масаласини ҳал этишда, ҳаракатланиш учун хавф пайдо бўлган пайт, ҳар бир муайян ҳолда, йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлгунга қадар йўлда мавжуд бўлган вазиятни инобатга олган ҳолда аниқланишидан келиб чиқиши лозим. Ҳаракатланиш учун хавф пайдо бўлган вақт, ҳайдовчи уни пайқай олиши учун объектив имкониятга эга бўлган пайтдан бошлаб ҳисобланади» деб, 25-бандида “Судлар йўл-транспорт ҳодисасида айбдор деб топилган шахсга нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда инсонпарварлик, одиллик тамойилларидан келиб чиқиб, ҳар бир иш бўйича алоҳида ёндошув тўғрисидаги қонун талабига қатъий риоя қилишлари, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига, ҳодиса содир бўлгандан кейин шахснинг хатти-ҳаракатига (унинг жабрланувчига тиббий ёрдам кўрсатиш учун қилган ҳаракатлари, жабрланувчи ва унинг оиласига моддий ва бошқа тарзда ёрдам берганлиги, жиноят натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаганлиги ва ҳ.к.) ва жазони енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларга алоҳида эътибор беришлари шарт” деб, кўрсатилган.

Суд, судланувчи Ж.Анарбоевга нисбатан жазо тайинлашда жиноятни оғирлаштирувчи ҳолатсиз содир этганлигини эътироф этган ҳолда, айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганини, жабрланувчилар ва уларнинг қонуний вакиллари унга нисбатан даъвоси йўқлигини билдириб судга тақдим қилган аризасини жазони енгиллаштирувчи бошқа ҳолатлар мажмуини жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб топиб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмасада, марҳум жабрланувчининг қонуний вакили Ж.Холмуминовни судланувчига нисбатан қонуний чора кўришни



сўраганлигини, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини хусусиятини ҳисобга олиб, уни жамият орасида қайта тарбиялаш имкони йўқ деб ҳисоблаб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кундаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қароридаги раҳбарий тушунтиришларини эътиборга олиб, унга айбланаётган моддаси санкция доирасида транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги қўшимча жазони қўллаган ҳолда озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб, ЖКнинг 50-моддасига кўра жазони манзил колонияларда ўтаттиришликни белгилашни лозим топади.

Суд жиноят оқибатида етказилган зарар масаласини муҳокама қилиб, жабрланувчилар, қонуний вакил ва фуқаровий даъвогарларни судланувчига жиноят натижасида етказилган моддий зарар юзасидан даъволари йўқлиги ҳақидаги аризаларини инobatга олиб, моддий зарарларни қопланган деб топишни лозим деб ҳисоблайди.

Бинобарин, суд Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларини қўллаб,

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Анарбоев Жавлонбек Бахтиёр ўғли (Anarboev Javlonbek Bahtiyor o'g'li), Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан айбли деб топилсин.

Анарбоев Жавлонбек Бахтиёр ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан 2 (икки) йил транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 3 (уч) йил 6 (олти) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ж.Анарбоевга нисбатан қўлланган эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, суд залидан қамоққа олинсин.

Ж.Анарбоевга тайинланган жазо муддати 2022 йил 09 ноябрь кунидан бошлаб ҳисобланиб, жазо манзил-колонияларда ўтаттирилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач 6.000.000 сўм гаров пуллари судланувчининг яқин қариндошларига қайтарилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 61-моддасига асосан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш ва муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазолари алоҳида ўтаттирилсин.

Жабрланувчилар, қонуний вакил ва фуқаровий даъвогарларга жиноят натижасида етказилган моддий зарар тўлиқ қопланган деб ҳисоблансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, маҳкум ва қонуний вакиллар, жабрланувчилар ва фуқаровий даъвогарлар эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, йигирма сутка ичида шу суд орқали Жиззах вилоят судига апелляция тартибида шикоят ёки протест келтириш ҳуқуқига эгадирлар.

Раислик қилувчи
Аслига тўғри

имзо

Ш.Содиқов

